

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

2:2019

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

А.К.Үринов, А.Н.Рафиков

Иккита сингуляр коэффициентли гиперболик типдаги тенгламанинг умумий ечимини
куриш.....5

А.С.Бердышев, М.С.Азизов

Түгри түртбұрчақда түртінчи тартибли сингуляр коэффициентли тенглама учун аралаш
масала.....10

ФИЗИКА, ТЕХНИКА

О.Деңқонова, Ф.Юсупова

Умумий ўрта таълим мактабларыда физикани ўрганиш самарадорлигини оширишда
интерфаол методларни күллаш20

КИМЁ

Б.Саттарова, И.Асқаров, А.Жўраев, К.Киргизов

Табиий ва синтетик озиқ-овқат қўшилмаларининг фойдали ва заарли хусусиятлари24

Ғ.Очилов, Г.Турсунова, Р.Карабаева, А.Иброхимов, М.Исақов

Мева данакларидан адсорбентлар олиш ва физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш27

БИОЛОГИЯ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

Р.Х.Максудов

Асаларичилик ва ушбу соҳа ривожида олий маълумотли мутахассисларнинг ўрни31

ГЕОГРАФИЯ, ТУПРОҚШУНОСЛИК

Р.Қ.Кўзиев, Н.Ю.Абдурахмонов, Н.Ж.Халилова

Тупроқ унумдорлигини баҳолашнинг айrim жиҳатлари34

Ижтимоий-гуманитар фанлар

ИҚТИСОДИЁТ

А.Гафуров, Г.Халматжанова, А.Мирзаев

Ўзбекистон иқтисодиётида инновация ва модернизация38

ТАРИХ

А.Махмудов

Усмон Хўжа Пўлатхўжаев ижтимоий-сиёсий фаолиятини ўрганишнинг манбашунослиги ва
тарихшунослиги42

Ў.Хошимов, Р.Шукуруллаев

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида олий таълим муассасаларида кадрлар
тайёрлашдаги ўзгаришлар (Фарғона водийси мисолида)46

Т.Хатамов

Ўзбекистонда ҳалқ таълими тизимининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш,
хорижий тилларни ўқитиш ва кадрларни қайта тайёрлашда ҳалқаро муносабатларнинг
илмий таҳлили50

У.Хўжамуратов

Ўзбекистонда ширкат хўжаликларидаги муаммолар ва уларнинг тугатилиши55

А.Алоҳунов

Фарғона қадимги шарқ илк дәҳқон жамоаларининг миграциялари даврида60

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

Ж.Я.Яхшиликов, Б.Мирзарахимов

Жамият ҳаётига мағкуравий муносабатларнинг таъсири ва уларнинг намоён бўлиш
хусусиятлари64

Б.Ғаниев, М.Ғаниева, М.Неъматова

Ҳуқуқ фалсафасига доир қарашлар: назария ва амалиёт67

Ш.Аббосова

Глобаллашув шароитида жамият хавфсизлиги ҳамда мамлакат барқарорлигини
таъминлаш масалалари72

ФАРГОНА ҚАДИМГИ ШАРҚ ИЛК ДЕҲҚОН ЖАМОАЛАРИНИНГ МИГРАЦИЯЛАРИ ДАВРИДА

А.Алохунов

Аннотация

Мақолада милоддан аввалги IV–III минг йилликларда Қадимги Шарқ ҳудудлари, шу жумладан, Олд Осиёни эгаллаган ксеротермик иқлим туфайли аҳолининг йирик миграцияси Ўрта Осиёнинг жанубий ҳудудларигача кириб келганлиги, бизнинг ҳудудларга жанубий ҳудудлардан келиб қолган аҳолининг турмуш тарзи, маданияти, ижтимоий-иқтисодий ҳолати, Фарғона водийси маданиятининг Жанубий Туркманистон ҳудудлари билан ҳамоҳанг ривожланганлиги тўғрисида сўз юритилади.

Аннотация

В IV-III тысячелетиях до н.э. в результате установления ксеротермического климата в Древнем Востоке, в частности, в Передней Азии, большая волна населения мигрировала до южных границ Средней Азии. В статье освещаются вопросы, связанные с бытом, культурой, социально-экономическим положением населения, переселившегося в наши края с юга, при этом отмечается созвучность развития культуры Ферганской долины с культурой Южного Туркменистана.

Annotation

The article in the 4th-3rd millennia BC as a result of the establishment of a xerothermic climate in the Ancient East, in particular, in Western Asia, a large wave of the population migrated to the southern borders of Central Asia, about life, culture, socio-economic situation of the population resettled to our lands from the south, about assontant of development of the culture of the Fergana Valley with the territory of Southern Turkmenistan are given.

Таянч сўз ва иборалар: Фарғона водийси, Қадимги Шарқ, Чуст маданияти, Геоксюр маданияти, Саразм маданияти, ксеротермик иқлим, миграция, энеолит, бронза даври.

Ключевые слова и выражения: Ферганская долина, Древний Восток, Чустская культура, Геоксюрская культура, Саразмская культура, ксеротермический климат, миграция, энеолит, бронзовый век.

Keywords and expressions: Fergana valley, Ancient East, Chust culture, Geoksur culture, Sarazm culture, xerothermic climate, migration, aeneolithic, Bronze Age.

Фарғона водийси илк дехқончилик маданиятининг келиб чиқиши масаласига тўхтатланганда, эсга милоддан аввалги XIV–VIII–VII асрларга оид Чуст маданияти келади [1,35]. Кейинги пайтларда Сўх тоштумори даврининг энеолит ва илк бронза даврига оид эканлигининг аниқланиши [2;3;4,98-104], Шарқий Фарғонадан Қорасув “тарози тоши”нинг топилиши [5,8], Ўзган яқинидан Сополли маданияти намуналарини ўзида сақлаган Шағим кўхна мозор-қўргоннинг аниқланиши [6], Хок хазинасининг келиб чиқиши масалаларининг тўғри талқин қилиниши [7] Фарғона водийси Қадимги Шарқнинг дехқончилик ҳудудлари билан боғлиқ равишда ривожланганлигини исботловчи янги далиллардир ва, бу, тарихимизга янгича қарашни тақозо қиласди.

Бунга жавобан айрим тарихчи ва археологлар Фарғона водийсида милоддан аввалги IV–III минг йилликларга оид археологик обидаларнинг йўқлигини важ қилиб кўрсатишлари мумкин. Аммо шуни унутмаслигимиз керакки, бу даврга оид археологик ёдгорликларнинг аксарият қисми қум барханлари, сел сувлари

ётқизиқларининг остида қолиб кетган. Масалан, Зарафшон дарёсининг юқори оқимидағи Саразм ёдгорлигининг ярмидан кўпроқ қисми ҳозирги Саразм қишлоғининг остидадир.

Демак, кам сонли бўлса-да, юқорида эслатиб ўтилган археологик материаллар Фарғона водийси милоддан аввалги IV–III минг йилликларида Қадимги Шарқ мамлакатлари – Месопотамия, Эрон ва Жанубий Туркманистон ҳудудлари билан ҳамоҳанг ривожланганлигини кўрсатади. Бу, албатта, Фарғона водийсида ҳам археологик маданиятларнинг ривожланиши айнан жанубий ҳудудлардагидек бўлган, дегани эмас. Лекин ўртада ўзаро маданий алоқалар бўлганлиги шубҳасиздир.

Фарғона водийсининг турли чекка ҳудудларидан топилган артефаклар бу ерга қандай келиб қолганлиги тарихчи ва археологлар олдида турган мураккаб ҳамда ечилиши зарур масалалардан ҳисобланади. Бу масалада ўша давр металлургиясини ўрганган В.Рузанов Зарафшон дарёсининг юқори оқимидағи Саразм маданиятининг келиб чиқишини таҳлил этиб, бу ерларга

А.Алохунов – ФардУ жаҳон тарихи кафедраси ўқитувчиси.

ТАРИХ

аҳолининг кўчиб келишига “худуддаги металлургияда керакли рудаларнинг борлигидир”, дейди. Бунга мисол қилиб, у саразмликларнинг илк бронза даври буюмларида Эрондаги мис конлари маъданларининг таркиби учраши тўғрисидаги фикрни айтади [8].

В.И.Сарианиди томонидан Туркманистон Республикаси Шарқий Қорақум ҳудуди (Марв воҳаси)дан Персепол қоятошларида эслатилган Маргуш мамлакатининг топилганлиги тўғрисидаги хабар унинг бир қанча илмий ишларида эълон қилинди [9;10;11]. В.И.Сарианиди “экологик кризис туфайли Олд Осиё ва, умуман, Қадимги Шарқ ҳудудларидан Марказий Осиё ҳудудларига аҳолининг жуда катта силжиши рўй берганлиги, ана шу кўчиб келган аҳолидан Шарқий Туркманистон ҳудудларида топилган Маргуш мамлакати қолганлиги” тўғрисидаги ғояни кўтарди [12. 14-18]. Унинг таъкидлашича, Туркманистон шарқий ҳудудларининг маҳаллий қабилалар томонидан эгалланиши милоддан аввалги IV минг йиллликларда юз берган. Аммо бу маҳаллий қабилаларнинг кейинги даврларда маданий ривожланниши кузатилмаган. Орадан яқин минг йил ўтганидан кейин, милоддан аввалги IV минг йилликнинг охирларида (тахминан Ур III, Саргон, Аккад даврида) Мурғоб дельтасининг этакларида Олд Осиё ҳудудларидан келган дехқон жамоалари ва чорвадорлари пайдо бўлишади. Бу аҳоли Олд Осиёning ривожланган ҳунармандчилиги ва маданиятини мукаммал билган ва йўлда учраган бошқа аҳоли, шунингдек, маҳаллий қабилаларни ўзларига кўшиб олган [13;14].

Америка ва рус олимларининг аниқлашларича, милоддан аввалги III минг йилликнинг охирларидан бошлаб, Яқин Шарқ ҳудудларида бутун дунёга тарқалган ксеротермик иқлим – қуруқ ва иссиқ ҳавонинг туриб қолганлиги кузатилган. Бу ҳудудларда ёғингарчилик микдори кескин камайиб кетган. Натижада баҳор ойларида ёғадиган ёғин микдорининг камайиб кетиши туфайли катта ҳудудларда дехқончиликдан олинадиган даромад деярли йўқ ҳолатга тушиб қолган. Иқлимиш шароитнинг бундай кескин бузилиши натижасида тоғларнинг этакларидаги дарёлар бутунлай қуриб қолган. Маданий ўсимликлардан олинадиган

даромадлар кескин камайиб кетган ёки умуман йўқ бўлган. (Бунга ўша Қадимги Шарқ ҳудудларида кўплаб турар-жой масканларининг ташландиқ ҳолга тушиб қолганлиги ёки кўплаб экин экиладиган далаларнинг ташлаб кетилганлиги гувоҳлик беради). Бундай ташландиқ ерлар ва турар-жой масканлари Юноистондан Ҳиндистонгача бўлган ҳудудларда тарқалиб кетган эди. Бу турар-жой масканларининг бирортасида ҳам ҳарбий тўқнашув туфайли ташлаб кетилган манзилгоҳларнинг ўрни аниқланмаган. Албатта, ксеротермик инқироз қадимги дехқончилик ҳудудларининг барчасини эмас, айримларини қамраб олган [12. 14-16]. Натижада, экологик инқироз қамраб олган ҳудудларнинг аҳолиси шарқ томонга силжий бошлади. Шундай қилиб, улар шимоли-шарқий йўналишда ҳаракат қила бошлаганлар. Мигрантлар ўз ҳаракатлари давомида Жануби-Ғарбий Эрон (қадимги Элам)ни эгаллайдилар. Шу билан уларнинг ҳаракати бироз тўхтагандай бўлади. Аммо бу жараён бироз тинган бўлса ҳам, кўп вақт ўтмасдан уларнинг оқими яна тезлашади.

В.И.Сарианиди бу жараён тўғрисида ёзиб, И.Дъяконовнинг мигрантлар “мутлақо ёт ҳудудларда маҳаллий аҳоли орасида аста-секинлик билан қоришиб сингиб кетганлиги” тўғрисидаги фикрларини келтиради. Айниқса, Митанни, Аккад давлати ва Қадимги Элам давлатларининг ҳудудларида кўчиб келиб ўрнашган аҳолининг излари яхши сақланган. Аҳолининг бундай табиий оғатлар давридаги силжишлари тўғрисида анча илгарироқ Г.Чайльд ҳам ёзган эди. У Осиёning ички ҳудудларида курғоқчиликларнинг бўлиб туриши табиий ҳол эканини, бундай пайтда аҳоли миграциялари бўлиб турганлигини таъкидлаган [15, 122].

Кейинги йилларда аҳолининг турли сабабларга кўра ўз маконларини ташлаб, бошқа ҳудудларга кўчиши масаласи кенг ёритилиб келинмоқда. Жумладан, Хоразм воҳасидаги неолит, бронза ва илк темир даврига оид миграциялар тўғрисида Ҳ.Ҳ.Матякубов ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилиб берди [16, 107-117].

Шундай қилиб, Қадимги Шарқ ҳудудлари, шу жумладан, Олд Осиёни эгаллаган жуда иссиқ ксеротермик об-ҳаво

шароити туфайли милоддан аввалги III минг йилликнинг иккинчи ярмида бошланган аҳолининг йирик миграцияси Ўрта Осиёning жанубий ҳудудларигача кириб келди ва натижада, бу ҳудуддаги аҳолининг ҳам силжиши рўй берди. Бундай силжиш натижасида ўз жойидан қўзғалган аҳоли, бизнинг фикримизча, қадимги саразмликлар бўлган. Уларнинг Зарафшон водийси юқори оқимларига силжишининг асосий сабабини А.Исаев янги ерларни қидириб топиш [7, 131; 17, 112-116], деб таъриф берган. А.Аскаров эса қадимги саразмликларнинг қўшимча ер излаб келгани билан бирга, мисга, мис рудаси конлари, қўроғшин, симоб каби маъданларга бой ҳудуд бўлгани учун, умуман, металлга бўлган эҳтиёжнинг устунлиги [18, 136-142] сабаб бўлган, дейди.

Нима бўлганда ҳам, саразмликларнинг асли келиб чиқиши Жанубий Туркманистон ва Шимолий Эрон ҳудудларида дехқончилик қилиб кун кўрган Геоксюр (Кўк майсазор) маданиятига тегишли аҳоли эди. Бу маданиятнинг энг сўнгги даври, А.Исаевнинг фикрига кўра, милоддан аввалги XXV аср билан даврлаштирилади. Айни шу жараён Месопотамия ва Эрондаги иқлимий ўзгаришлар, яъни ксеротермик ҳароратнинг максимал кўтарилган пайтига тўғри келади. Бундан қандай хулоса чиқариш мумкин?

Милоддан аввалги XXV асрларда Месопотамия ва Олд Осиёдан кўплаб дехқон жамоалари ўзларининг минг йиллар давомида яшаб келган манзилгоҳларини ташлаб келишган пайтда саразмликлар қадимги фарғоналиклар билан кўплаб хўжалик ва маданий алоқаларга киришиб, улар билан яқин қон-қардош бўлиб қолишган эди [19, 26]. Шунинг учун Чуст маданияти кулолчилиги анъаналарида бир қатор кулолчилик идишларини қўлда ясад устидан қора ангоб билан нақш бериш, идишни кулолчилик хумдонида эмас, балки сополларни ўртага тўплаб, тезак билан кўмиб куйдириш усусларининг ҳаммаси Саразм маданиятининг урф-одатларига мансуб эди. Бу Саразм маданиятининг Чуст маданияти пайдо бўлишига, жумладан, бу ерда дехқончилик анъаналарининг келиб чиқишига қўшган катта ҳиссаси эди.

Фарғона водийсидаги Саразм маданияти даврига оид археологик ёдгорлик, яъни турар-жой макони топилмаган. Лекин

алоҳида топилмалар (тоштарози)нинг мавжудлиги, Чуст ва Саразм кулолчилигидаги ўҳшашликлар Фарғона водийси илк дехқон жамоалари маданиятининг шаклланишида саразмликлар ҳиссаси борлигидан дарак беради.

Милоддан аввалги IV-III минг йилликларга оид археологик топилмаларни қолдирган жамият шу пайтга қадар алоҳида мавзу сифатида ўрганилмаганлиги, шунингдек, бу даврга оид археологик обидалар топилмаганлиги сабабли унинг ривожланганлик даражаси бизга маълум бўлмаган. Аммо ҳозирда яна қўшимча маълумотлар тўпланганлигини инобатга олиб, биз бу топилмаларнинг энг қадимгиларини Зарафшон водийсининг юқори оқимидағи Саразм дехқон жамоалари маданияти даражасида бўлган бўлиши керак, деган тахминни ўртага қўямиз. Чунки Зарафшон дарёсининг юқори оқимидағи Саразм маданияти ҳам жанубий томонларни эгаллаган, Қадимги Шарқ цивилизацияси бошланғич қисмида турган дехқончилик маданиятларидан бири эди. Сўх тоштумори, Қорасув тоштарозиси, Хок хазинаси буюмларининг топилиши Фарғона водийси ёдгорликлари энеолит даврининг иккинчи ярми ва кўп ҳолларда ривожланган бронза даврига оид Яқин Шарқ мамлакатларининг кўплаб ёдгорликлари билан синхрон ривожланганлигидан далолатdir.

Шундай экан, Фарғона водийсидаги бундай ривожланган дехқончилик маданиятларининг келиб чиқишида, биринчидан, маҳаллий аҳолининг ўша даврдаги яқин атроф ва узоқдаги илк дехқончилик ҳудудлари билан кенг иқтисодий ва маданий алоқалари катта роль ўйнаган бўлиши керак. Иккинчидан, Фарғона водийсининг табиий-иқлим шароити Олд Осиё, Яқин Шарқ ва Ўрта Осиёning илк дехқончилик ҳудудларидан катта фарқ қилмаган. Учинчидан, милоддан аввалги IV-III минг йилликларда Яқин Шарқ ҳудудларида бошланган йирик ксеротермик ўзгаришлар туфайли дехқон жамоаларининг Ўрта Осиё жанубий ҳудудларига келиб ўрнашиш жараёни археологик жиҳатдан аниқланган [12, 9-14; 20, 53-58; 14].

Қадимги Шарқ ҳудудларидан Жанубий Туркманистон ҳудудларига кўчиб келган аҳоли бу ердаги барча сугорилиши мумкин

ТАРИХ

бўлган ерларни эгаллади. Уларнинг тазийиқи остида эса, бир қисм маҳаллий дехқон жамоалари, шу жумладан, Геоксюр маданияти ахолиси Зарафшон дарёсининг юқори оқимларига келиб ўрнашадилар. Чунки Жанубий Туркманистондан Зарафшон воҳасининг юқори оқимиға келиб жойлашиш бу қабилалар учун анъанавий ҳолдир. Яъни, уларнинг ота-боболари сўнгги энеолит даврида ҳам бу ерларга келиб, қўним топишган эди. Кўчиб келган аҳоли Жанубий

Туркманистоннинг барча бўш ерларини эгаллаганидан кейин бу ерда ҳам аҳолининг зичлиги ортиб, ер-сув ресурсларининг анчайин етишмай қолгани сабаб миграцион жараёнлар юзага келган. Бизнинг фикримизча, Фарғона Сўх тоштумори, Қорасувтош тарозисини олиб келган жамоалар ҳам асли ўша Месопотамия ва Жануби-Фарбий Эрондан шарқ томонга ҳаракат қилган дехқон жамоалари бўлишган.

Адабиётлар:

1. Рузанов В.Д. Ещё раз о хронологии Чустской культуры Ферганы. -М., «Наука», Российская археология. - №4., 1999 , №4..
2. Воронец М.Э. Каменное изображение змей из кишлака Сох Ферганской области. КСИИМК.Вып. 61. -М., 1961.
3. Kohl P. P. Seeds of Tepe Yahya and Analysis of Commodity Production and Trade in Southwest Asia in Mid-third Millennium. -Michigan, USA, 1974.
4. Абдуллаев К. Культ хаомы в древней Центральной Азии. Самарканд.: Международный институт центрально-азиатских исследований, 2009.
5. Матбобоев Б.Х., Машрабов З.З. Андижон тарихи (қадимги даврлардан XX аср бошларигача). – Т.: "Sharq", 2004.
6. Аманбаева Б.Э., Рогожинский А.Е., Мэрфи Д. Могильник Шагым – новый памятник эпохи бронзы восточной Ферганы (Кыргызстан). Археологические исследования в Узбекистане в 2004-2005 годах. Вып. 5. -Т., 2006.
7. Lyonnet B., Isakov A., Avanesova N. Sarazm (Tadjikistan) ceramics (Chalcolithique et Bronze Ancien). DE BOCCARD Edition-Diffusion 11, rue de Medicis 75006 Paris.: 1996. – fig.27. 3-10; 12. 29, 8.
8. Рузанов В.Д. Миграции племен в Узбекистане в эпоху палеометалла. (часть 3). Археология Узбекистана. №1 (4), Самарканд, 2012.
9. Сарианиди В.И. Туркменистан – центрально-азиатский очаг древневосточной цивилизации. Древняя Маргiana – новый центр мировой цивилизации. -Ашхабад, 2006.
10. Сарианиди В.И. Археологические доказательства протозороастризма в Бактрии и МаргIANе. Труды МаргIANской археологической экспедиции. -Т.2. -М., 2008.
11. Сарианиди В.И. Маргуш: тайна и правда великой культуры. – Ашхабад, 2008.
12. Сарианиди В.И. Задолго до Заратуштры (Археологические доказательства протозороастризма в Бактрии и МаргIANе). -М.: Старый сад, 2010.
13. Сарианиди В.И. Древности страны Маргуш. – Ашхабад, 1990.
14. Сарианиди В.И. Маргуш. Древневосточное царство в старой дельте реки Мургаб. – Ашхабад, 2002.
15. Чайлд Г. Арийцы. Основатели европейской цивилизации / Пер. с англ. И.А.Емец. — М.: ЗАО «Центрполиграф», 2009.
16. Матякубов Ҳ.Ҳ. Хоразм воҳаси бронза ва илк темир даври тарихи (маданият, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий муносабатлар муаммолари). Фалсафа доктори диссертацияси. -Т., 2018.
17. Исаков А.И. Саразм – новый раннеземледельческий памятник Средней Азии. СА. -№1. -М., 1966.
18. Асқаров А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. -Т.: "O'zbekiston", 2015.
19. Исамиддинов М.Х. Истоки городской культуры Самарканского Согда (проблемы взаимодействия культурных традиций в эпоху раннего железного века и в период античности). -Т., 2002.
20. Сарианиди В.И. Сиро-хеттское происхождение Бактрийско-МаргIANской глиптики. -ВДИ. -№ 1. -1999.

(Тақризчи: М.Исомиддинов – тарих фанлари доктори, профессор)